УЛУҒ ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АСРЛАР ОША ЯШАЙВЕРСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 93 (5684)
22 АПРЕЛЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ






Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик бунёдкорликда янги ғалабалар сари, олға!

(КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларидан).







1. Ильич номи билан

Бугун биз В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигини нишонламоқдамиз. Бизнинг барча зафарларимиз, тараққиётимиз пролетар революциясининг доҳийси номи билан чамбарчас боғлиқдир. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари (1985 йил) Пленумида Ленин принципларига содиқлигимиз намойиш этилди.

Ўзбекистон пойтахтида Ленининг номи билан боғлиқ бўлган кўпгина қадамжолар бор. Тошкентнинг бош майдони унинг номи билан аталади. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига эса ҳар куни минглаб ҳамшаҳарларимиз, меҳмонларимиз марҳамат қилишмоқда. Совет кишилари барча авлодининг вакиллари доҳийнинг ғоявий назарий меросига муҳаббат билан мурожаат этмоқдалар. Меҳнатда арзигулик ютуқларга эришаётган, коллективлар ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган кишиларимиз Ватанининг юксак мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланмоқдалар. «Главташкентстрой»га қарашли 11-трестнинг илғор қурувчиси Зокир Неъматжонов, 1-«Пардозлаш» трести пардозчиси Анна Лукьяновна Закольская, 1-уйсозлик комбинати қурувчиси Исмоил Орипов, 153-қурилиш трести дан Ҳолхўжа Баҳодиров (юқоридаги суратда) Ленин ордени кавалерларидир. Уларнинг номи республикамизда танилгандир. Минглаб бунёдкорлар ана шу илғорлар сафидан ўрин олишга интилмоқдалар.

Тошкент меҳнаткашларн В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигини нишонлар эканлар, коммунистик шанбалик кунида яққол намойиш этилган меҳнат жўшқинлигини бўшаштирмасликка, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга астойдил бел боғладилар.

• Бугун мўътабар даргоҳда

МАНГУ БАРҲАЁТ ИНСОН

Ленин... Нақадар буюк ва азиз ном. Бу номни ер курраси даги барча эзгу ниятли кишилар қалбларига жо этганлар. Айниқса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси қитъаларида ўз озодлиги, мустақиллиги учун матонатли кураш олиб бораётган халқлар бу номни юксак даражада эъзозлайдилар.

Бугун буюк ва ҳамиша барҳаёт инсон туғилган кун. Бу кун шу жиҳати билан ҳам муқаддас ва табаррукки, бундан 115 йил муқаддам озод ва ҳур ҳаёт йўлини қуёш нури каби нурафшон эта олувчи инсон дунёга келган.

Биз барча совет кишиларн ҳозирги тараққий этган давримизнинг ҳар бир ютуғини, жўшқин нафасини, куч-қудратимизни ифтихор туйғуси, доҳий номи билан боғлаймиз.

Бундан ўн беш йил муқаддам — доҳий тавалludининг юз йиллиги арафасида пойтахтимизда мармар кошона — Ленин музейи фиалиали бунёд этилди. Уша кундан буён бу даргоҳ шаҳримизнинг сиёсий ва маданий ҳаётида катта аҳамият касб этмоқда. Ана шу ерда табаррук кишилар ёшлар билан учрашиб, ўсиб келаётган авлодга доҳийнинг буюк фазилатлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб беришмоқда.

Мўътабар даргоҳ эшикларн очилган кундан буён мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан, жаҳондаги юзлаб мамлакатлардан минглаб делегацнялар бу ерга ташриф буюрди. Ҳар куни даргоҳни зиёрат қилаётган кишиларнинг сони 1500, ҳатто 2000 дан ошмоқда. Ун беш йил мобайнида 8 миллионга яқин киши музейнинг экспонатлари билан қизиқиб танишдн. Бу рақамни шаҳримиз аҳолисининг умумий сонига чоғиштирадиган бўлсак тўртта Тошкентдек шаҳри азимнинг аҳолиси бу ерда бўлган.

Бугун доҳий туғилган муборак кун муносабати билан мўътабар даргоҳ ўзгача файзли, тароватли, ғоятда гавжум. Шаҳримиздаги мактаблар, билим юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг студентлари, корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари бу ерга оқиб келмоқда. Улар доҳийнинг жўшқин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни эътибор билан кўздан кечирмоқдалар, унинг кўпқиррали революцион фаолиятига доир маълумотларни севиб ўрганмоқдалар.

Мўътабар даргоҳ фондида жуда кўп ноёб, қимматли экспонатлар сақланмоқда. Улар бепоён Ватанимизнинг барча ўлкаларидан, жаҳондаги турли мамлакатлардан олинган совға буюмларидир. Ана шуларнинг ўзи ер курраси халқларининг Владимир Ильич Ленинга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатн тимсолидир. Фонддаги буюмларнинг умумий сонн 20 мингдан ошиб кетди. Шундан уч мингтаси экспозицияларда мунтазам намойиш қилинмоқда.

Ноёб экспонатлар орасида «Революциянинг тўнғич машинистига» деган ҳужжатли фильм ҳам бор. Бу картинанн Октябрь революцняси номидаги тепловоз ремонт заводининг ҳаваскорларн тайёрлашган. Маълумки, революциянинг дастлабки йилларида ана шу корхона ишчилари пролетариат доҳийсининг номини абадийлаштириш нниятида тепловоз ғилдиракларидан ёдгорлик пойдеворн ва унинг устида Ильич ҳайкалн ўрнатишган эдн. Узоқ йиллардан буён бу ёдгорлик завод ишчиларининг фахри бўлиб қолди.

Совет халқларн Улуғ Ватан урушн йилларида қозонган ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан музей фондига жуда кўп ноёб экспонатлар олинди. Уруш йилларида Ўзбекистонда тузилган ўзбек дивизияларининг собиқ жангчилари ўзларининг жасорати билан боғлиқ бўлган жуда кўп ҳужжатлар ва буюмларни совға этиб топширишган. Улар орасида фронтда нашр этилган «За Родину» газетасининг айрим сонларн бор. Унинг саҳифаларида ўзбек жангчиларининг жасоратн ҳақида ҳикоя қилинади. Музей ходимлари Буюк Ғалабамизни акс эттирувчи экспонатлар асосида махсус кўргазма ташкил этдилар. У «Уруш, партия, ғалаба» деб номланади.

А. ПЎЛАТОВ.

Сўз—Ленин ордени кавалерларига

АНЪАНАГА САДОҚАТ

...Ленин ордени. «СССР орден ва медаллари китоби»ни варақлар экансиз, биринчи саҳифадаёқ кўзингиз доҳий сиймоси акс этган Ватаннинг юксак мукофотига тушади. Бу олий мукофотга мамлакатимизнинг кўплаб меҳнатсевар кишилари сазовор бўлмоқдалар. Менинг ҳам камтарин меҳнатларим партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланганлиги, кўксимда Ленин ордени порлаб турганлиги билан ғоят бахтиёрман.

Бу юксак мукофот бошқа Ленин ордени кавалерлари қатори менинг ҳам зиммамга улкан бунёдкорлик ва инсонийлик масъулиятини юклайди ҳамда янги марралар сари чорлайди. Шу туфайли ҳар йили доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунни меҳнатда юксак муваффақиятлар билан кутиб олишга ҳаракат қиламиз.

Айни кунларда бригадамиз қурувчилари совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги саналарини ҳамда КПСС-нинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат беллашувини янада авж олдириб юборди.

Кўксимда порлаб турган Ленин ордени фақат меннинг эмас, балки бутун коллективимиз меҳнатига берилган юксак мукофот деб биламан. У бизни меҳнат фронтида доимо янги марралар, янги режаларга чорлайди.

Мухтор ҲАБИБУЛЛАЕВ,
11-«Висотстрой» трестининг «Спецжелезобетонстрой» бошқармаси бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети ҳузуридаги социалистик хўжаликни бошқариш марказий институтининг директори Хельмут Коциолек бошчилигидаги СССР ва ГДР иқтисодчилари қўшма комиссиясининг Ҳамжлиси қатнашчилари Тошкентга келдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев 20 апрель куни уларни қабул қилди.

И. Б. Усмонхўжаев бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга оширишга Ўзбекистон меҳнаткашлари қўшаётган ҳисса тўғрисида, республика халқ хўжалигн ва маданиятининг барча тармоқлари ривожланаётганлиги ҳақида, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида муттасил мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида гапириб берди.

Х. Коциолек Ўзбекистонда ўзига кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдирди, яқинлашиб келаётган 1 Май ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги байрамлари муносабати билан республика меҳнаткашларига қутловлар топширишни сўради.

(ЎзТАГ).

БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов танланган нутқлари ва мақолалари китоби босмадан чиқди. «Коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан» деб аталган тўпламга 1949 йилдан 1984 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган нутқ ва мақолалар киритилган.

Китобда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС XXIV, XXV ва XXVI съездларида ишлаб чиқилган йўлини амалга ошириш соҳасида партия, совет ва хўжалик органларининг ишини кўрсатиб берувчи материаллар асосий ўринни олган. Саксонинчи йилларда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ўстириш проблемаларига, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишга алоҳида эътибор берилади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

КИТОБ — ОММАГА!

20 апрель куни Тошкентда ижтимоий-сиёсий адабиётни пропаганда қилиш ва тарқатиш ҳафталиги очилди. Ҳафталик В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигига бағишланди. Коммунистик шанбалик кунида шаҳардаги йирик корхоналарда китоб-сурат кўргазмалари, китоб савдоси ташкил этилди.

«Ташкнига» савдоси уюштирган ҳафталик программасида лекциялар ,китобхонлар конференциялари, очиқ журналлар ўтказиш мўлжалланган. Масалан, «Пропагандист» магазинида «Ленин образи Есенин ижодида» деган лекция ўқилди, 14-магазин-клубда «Катта ишда ҳам, кичик ишда ҳам Лениндек бўлайлик» деган мавзуга бағишланган кеча ўтказилди.

(ЎзТАГ).

БОШҚАРИШ — ЭКОНОМИКА НЕГИЗИ

20 апрель куни Тошкентда СССР ва ГДР иқтисодчилари комиссиясининг ҳозирги босқичда экономикани бошқариш, планлаштириш ва рағбатлантириш системаларини такомиллаштириш проблемаларига бағишланган ўнинчи мажлиси ўз ишини тугатди. Мажлис қатнашчилари «Меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш йўллари» мавзуидаги қўшма тадқиқот вазифаларини муҳокама қилдилар, комиссиянинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган иш планини тайёрладилар.

—Бизни, аввало, мамлакатингиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий экспериментлар кўлами жалб этмоқда, — деди ГДР Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг вице-президенти, шу академиянинг академиги Хельмут Шик. — Биз, қишлоқ хўжалиги олимлари учун Ўзбекистон орттирган тажриба жуда қимматлидир. Бу ерда агросаноат комплексларини тузиш доирасида меҳнат ҳақи пировард натижага қараб берилмоқда. Масалан, пахтачиликда чиқадиган толага ҳақ тўланмоқда. Бизда ҳам агросаноат бирлашмалари тузилган. Тошкентдаги учрашувда янги қимматли тажриба орттирдик. Бу кейинги ишларимизда наф келтиради.

(ЎзТАГ).

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Узводпромпроект» лойиҳа институти коллективи РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириш борасида ёрдам кўрсатиш бўйича йирик буюртмани ниҳоясига етказди. Институтда умумий майдони 50 минг квадрат метрдан иборат уй-жой бинолари, 720 ўринли болалар муассасаси, ҳар бири 400 ўринли саккизта ошхона, 7 та магазин, маиший хизмат кўрсатиш комбинати лойиҳалари яратилди. Ноқоратупроқ ўлканинг саноат зонасида 16 та таянч базаси бунёд этилиши мўлжалланмоқда. Унинг қурилиши учун 10 миллион сўм капитал маблағ ажратилган. Уй-жой қурилиши бинолари учун эса 30 миллион сўм сарфланади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 23 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 8—10, эртага кундузи 24—26 даража иссиқ бўлади.

СЎЗ — ЛЕНИН ОРДЕНИ КАВАЛЕРЛАРИГА

КУЧ — ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб СССР халқлари дўстлиги саройида бўладиган шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг тантанали йиғилишида ҳар йили иштирок этаман. Шунда ҳашаматли залга улуғ доҳий таваллуди муносабати билан тўпланган минглаб кишиларга разм солиб, минбардаги нотиқларнинг сўзларини тинглаб, буюк мамлакатимизнинг куч-қудрати, ёрқин истиқболи ҳақида ўйлайман. Бизга ажойиб давлатни тузиб бериб кетган улуғ доҳийнинг даҳосига тасаннолар айтаман.

Кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг дўстлиги тарихдаги ноёб ҳодисадир. Биз мана шу дўстлик туфайли Улуғ Ватан урушида ғалаба қозондик, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини оширишда улкан ютуқларни қўлга киритдик. Ҳозир эса қўлни-қўлга бериб, коммунистик жамиятнинг модий-техник базасини яратаяпмиз.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётганимга чорак асрдан ошди. 60-йилларнинг охирида собиқ «Ташавтомаш» заводида трактор ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди. Қисқа муддат ичида мураккаб машинанинг кўпгина узелларини ишлаб чиқаришга киришиш лозим бўлди. Бу битта коллектив эплай оладиган вазифа эмас эди. Шунда бизга беполён мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги ҳамкасбларимиз ёрдамга келди. Минск, Харьков, Владимир, Олтой трактор заводларидан келган ўнлаб ишчилар ва инженер-техник ходимлар биз билан ёнма-ён меҳнат қилишди. Айни пайтда корхонамиздаги юзлаб ишчилар ва инженер-техник ходимлар ўша шаҳарлардаги трактор заводларида стажировкада бўлиб, трактор ишлаб чиқаришдек мураккаб ҳунарни ўргандилар.

1970 йилнинг 2 апрели ҳеч ёдимдан чиқмайди. Шу куни корхонамизда байрам бўлиб кетди. Синовчи тракторчи Илфат Ашимов йиғув цехидан биринчи Т28Х4 тракторини ҳайдаб чиқди. Шунда бу муваффақиятимиз билан коллективимиз қатори биз билан меҳнат қилаётган ҳамкасб дўстларимиз ҳам ғоят қувонди. Орадан беш йил ўтгач эса корхонамиз конвейеридан 100.000-трактор тушириб олинди.

Доҳиймиз В. И. Ленин ажойиб меҳнат ютуқларига эришиш шонли саналарни нишонлашнинг энг яхши усули эканлигини кўп марта таъкидлаган, кишиларни ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиб, унумли ва сифатли меҳнат қилиш йўлларини тинмай излашга даъват этганди. Биз тракторсозлар ўз фаолиятимизда доҳийнинг мана шу васиятларига қатъий амал қиляпмиз.

Бу йилги мажбуриятларимизда йил мобайнида планга қўшимча 100 трактор, 50 та прицеп ишлаб чиқаришга ваъда бергандик. Бу ваъдани тракторлар бўйича биринчи кварталдаёқ бажардик. Уч ой мобайнида конвейердан планга қўшимча тушириб олган тракторларимиз юздан ортиб кетди. Иш ҳозирги суръатлар билан давом этса, кўп ўтмай прицеплар бўйича олинган социалистик мажбурият ҳам адо этилади.

Ишлаб чиқаришда ютуқларга эришишда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада методига катта аҳамият бераётганлигимиз кўл келяпти. Ҳозир бирлашмада 452 бригада мана шу метод бўйича ишлаб, корхонадаги асосий маҳсулотни тайёрлаяпти. 18-цехдаги мен меҳнат қилаётган бригаданинг ҳам янгича усулда ишлаётганига анча бўлди. Натижада ишчиларнинг ўзаро уюшқоқлиги ортди, меҳнатга, зиммасидаги вазифага муносабати ўзгарди. Интилларимиз янада унумли ва сифатли меҳнат қиладиган бўлиб қолдилар.

Бу йил бирлашмамиз коллективи 31 минг трактор, 38 мингта прицеп ишлаб чиқаришга ваъда берган. Биз бу ваъдамизни сўзсиз бажарамиз. Ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан мамлакатимиз қудратини ошираётганлигимизни, ишчи ва деҳқон дўстлигининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшаётганлигимизни англаш бизни янгидан-янги зафарларга илҳомлантиради.

М. ТЕШАБОЕВ,
«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 18-цехи созловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.





2. Ильич номи билан

В. И. Ленин туғилган кунни зарбдор меҳнат билан нишонлаш одат тусига кирган. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Николай Сидоренко бошлиқ бригадаси коллективи ана шу куни меҳнатда энг юқори натижага эришди.

Тошкент метрополитени шаҳар ҳаётидан муҳим ўрин олмоқда. Тезкорлик, донмийлик ва юқори маданиятли хизмат кўрсатиш — Тошкент «ер ости» транспортининг муҳим характерларидан биридир. В. И. Ленин номли Тошкент метросининг энг гўзал станцияларидан бири революция доҳийси номи билан аталади.

В. И. Ленинининг номи Тошкентдаги ноёб замонавий архитектура ютуқлари асосида бунёд этилган СССР халқлари дўстлиги Саройига берилган. Бу ерда республикамиз ҳаётидаги энг муҳим воқеалар —Ўзбекистон Компартияси съездлари, унутилмас учрашувлар, адабиёт ва санъат байрамлари тез-тез ўтказиб турилади.

Ильич васиятларига содиқ қолишган В. И. Ленин номли Тошкент олий умум қўшинлар командирлари билим юртининг курсантлари ҳарбий санъатни қунт билан эгаллашмоқда. Билим юртни юқори малакали ҳарбий мутахассислар тайёрлайдиган ҳақиқий билим масканига айланган.





ЛЕНИН ВА ПАРТИЯ

ТЎНҒИЧ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

ДОҲИЙ ДЕКРЕТИГА БИНОАН

Владимир Ильич Ленининг жўшқин ҳаёти ва фаолияти, унинг буюк инсоний фазилатлари ер куррасидаги миллионлаб революцион жангчилар учун ҳамиша йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Биз Ленин имзолаган жуда кўп ҳужжатларни яхши биламиз. Улар Ер ҳақида, Тинчлик ҳақида, Туркистонда суғориш ишларини олиб бориш учун 50 миллион сўм пул ажратиш тўғрисидаги декретлардир. В. И. Ленин 1921 йил 7 сентябрда Туркистон (кейинчалик Ўрта Осиё деб аталган) Давлат университетини ташкил этиш тўғрисида РСФСР халқ Комиссарлари Советининг декретини имзолади. 1954 йилда бу билим даргоҳига Ленин номи берилди.

Қизғин фаолияти пролетарнатининг улуғ доҳийси номи билан узвий боғланган Совет Шарқидаги биринчи университетининг шонли йўли, тарихи ва бугунги ҳаёти ҳақида гапириб беришни университет ректори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ҳ. Сирожиддиновдан сўрадик:

— Совет давлатининг раҳбари Ўрта Осиёнинг социалистик маданиятида катта аҳамият касб этадиган бўлажак университетни яратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тўғрисида тинмай ғамхўрдик қилди. Ёш Советлар мамлакатининг оғир машаққатли кунларида — мамлакатнинг кўплаб районларини очлик исканжасига олган бир пайтда рус олимлари тушган 159-санитар фан поезди Тошкентга етиб келди. Москва ва Петроградниг юзга яқин катта педагогик тажрибага эга бўлган жасоратли вакиллари халқ хўжалигининг турли соҳалари учун миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкентга келдилар. Ўша пайтда ана шу поездда лаборатория асбоблари, ускуналар, карталар, гербарийлар, неча минглаб китоблар ва дарсликлар ҳам олиб келинган эди. Катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

20 йилларнинг бошларидаёқ ишчи, қишлоқ хўжалиги, медицина, математика ва бошқа факультетлар қизғин ишлай бошлади. Юқори малакали миллий кадрларни тайёрлаш масаласини ҳал этишда жуда катта қадам қўйилди.

Ҳозирги пайтда эса В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида 70 дан ортиқ миллатнинг қарийб 20 минг фарзанди таълим олмоқда.

Ўрта Осиё Давлат университети — олий ўқув юрти ташкил этилган дастлабки кундан бошлаб саводсизликни тугатишда, ишчи ва деҳқонларни университетга ўқишга киришга тайёрлашда ишончли ёрдамчи бўлди. Ишчи факультетлари бу борада катта ёрдам берди. 1921 йилдаёқ миллий группаларда машғулотлар бошлаб юборилди, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари вакиллари ҳам ана шу даргоҳда билим олиш учун кела бошладилар.

1927—1932 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети факультетлари базасида мустақил соҳали илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ташкил этилди. Булар Ўрта Осиё пахтачилик институти, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари, медицина, Тожикистон олий педагогика институти ва бошқа кўплаб маърифат масканларидир. Университет факультетлари базасида тўққизта бундай даргоҳ ташкил этилди. Шунинг учун ҳам университетни ҳақли равишда Ўрта Осиё республикаларида олий таълим берувчи кадрлар инкубатори деб аташади.

Ҳозирги пайтда бизнинг олий билим даргоҳимизда бир қатор чет эл мамлакатларининг ёшлари ҳам таълим олишмоқда. 20 йил мобайнида жаҳондаги 55 мамлакатнинг уч мингдан зиёд йигит ва қизи олий малакали мутахассисликни эгаллади.

Университет факультетларида ўнлаб фан докторлари, шу жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзолари, кўплаб республикада хизмат кўрсатган фан арбоблари садоқат билан меҳнат қилишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв ишда ленинча услубни ҳар томонлама такомиллаштириш, топширилган иш учун масъулиятлиликни ошириш тўғрисида гапириб ўтди. Университетнинг ректорати, партия комитети, комсомол комитети халқ хўжалиги учун ўнлаб ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашига раҳбарлик қилар экан юқори малакали мутахассислар чиқариш борасида таълим тарбиянинг форма ва методларини янада такомиллаштиришга катта куч ва ғайрат сарфламоқда. Бизнинг университетимиз ҳақли равишда буюк инсон, доҳий ва мураббий В. И. Ленин номи билан аталади. Ана шунинг учун ҳам биз доҳийга бўлган чексиз муҳаббатимизни малакали мутахассислар тайёрлашда, илмий ишларнинг самарадорлигини оширишда, таълим тарбияни янада такомиллаштиришимизда намойиш этишимиз лозим.

ИЛЬИЧНИНГ САФДОШЛАРИ ЭСЛАЙДИ

В. И. Ленин билан учрашувлар буюк мутафаккир ва инсон билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлган кишиларнинг ҳаётида, унинг эҳтиросли, оташин нутқини жилла бўлмаганда бир марта тинглаган ҳар бир кишининг ҳаётида ўчмас из қолдирган. Орадан неча ўн йиллар ўтган бугунги кунда «Ленининнинг номи ва иши барҳаёт» деган грампластинкадан Ильич тўғрисидаги сўзлар бевосита янграб туради. Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси шу грампластинкани чиқаришга тайёрланади.

Замондошларнинг ҳикоялари тарих бўлиб қолган воқеаларни яқинлаштиргандек бўлади. В. И. Ленининг яширинча кураш, революция ва социалистик қурилиш ишларидаги сафдоши Г. М. Кржижановскийнинг хотиралари тингловчиларни 1893 йилнинг октябрь кунларига қайтаради. Уларнинг биринчи учрашуви тараққийпарвар кайфиятдаги студентлар тўгарагида рўй берганди.

О. Б. Лепешинская Владимир Ильич билан сургундаги учрашувларини, Н. А. Алексеев «Искра» газетаси даврини, А. И. Иванова эса Ленининг Лонжюмодаги партия мактаби тингловчи ишчилари ҳузурида сўзлаган нутқларини эслашган. Гренадер полкининг солдати Б. Н. Попов В. И. Ленин Таврия саройида сўзлаган нутқ —«Апрель тезисларини»нинг унутилмас таассуроти тўғрисида ҳикоя қилади.

Альбомнинг иккинчи дискида жаҳонда биринчи социалистик давлат қурилишининг энг муҳим босқичлари акс этган. Унда Владимир Ильичнинг 1919 йилда ёзилган овози бор.

В. И. Ленин ёш Советлар республикаси тарихининг ғоят оғир даврларида омма ўртасида кенг пропаганда ишлари учун граммофон пластинка имкониятларидан фойдаланишни таклиф қилди. У бошқаларга ўрнак бўлиб, замоннинг актуал проблемаларига бағишланган нутқини ёздириш учун аппарат ёнига биринчи бўлиб келди. Мана «III Коммунистик интернационал» нутқи янги пластинкадан эшитилмоқда. Овозли йилноманинг сўнгги «бобиб» Ильич бундан олтмиш йил аввал «Бутун дунёда коммунистлар союзи ўсмоқда» деб айтган сўзларни тасдиқлайди.

Е. ХОРЕВА,
ТАСС мухбири.
Москва

ЛЕНИН ҲАҚИДА

Сергей АЛЕКСЕЕВ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

—1—

Сеҳргар

Муҳим ва зарур ишларни кўплигидан Владимир Ильичнинг камдан-кам вақт қўли бўш бўлардн. Шунга қарамай, фурсат топди дегунча, Ленин автомобилга ўтирадн-да, шаҳардан чеккага —тўғри бирор ўрмонга қараб жўнайдн.

Ўрмонга етиб келгач, Владимир Ильич машинадан тушиб, бошидан кепкасини олади-да, қўлларини орқага қилганча, қайнну қарағайлар оралаб кеза кетади.

—2—

Владимир Ильич шошилмай, бамайлихотир қадам ташлаб боради. Мабодо, олмахонни кўриб қолса, тўхтаб уни кузатади. Қушлар чуғурини эшитса, бошини кўтариб уларни томоша қиладн. Ўтлан оралаб ўрмалаб юрган майда-майда ҳашаротларнинг ҳаракатига эринмай тикилиб туради. Қўзиқоринга, жайдари ўрмон чечакларига маҳлиёлик билан боқади. Ленининнинг кўзига барчаси қизиқ, барчаси мафтункор кўринади. Ана шундай лаҳзаларда Ленин дам олади, чарчоғи ёзиладн.

Ўрмонни кеза-кеза, Владимир Ильич кечқурун Москвага қайтиб келадн. Яна тун алламаҳалга қадар ўтириб ишлайдн.

Бир гал ана шундай сайрга чиққанида Ленин ўрмондаги овлоқ яланглиқда қандайдир қизчанн учратиб қолдн.

—3—

Қизалоқ кичкинагина эдн. Эгнида қўполроқ пальто. Рўмолн остидан бир тутам кокилн чиқиб турибдн. У кайинга суянган қўйн ўпкасинн тутолмай йиғлардн. Қўлида саватча, унда қўзиқорин, атиги бир дона қизил қўзиқорин бор эдн.

— Нимага йиғлаяпсан, ҳой қизча! —деб сўрадн Владимир Ильич.

Қизалоқ жавоб бермадн. Қайтага баттарроқ ҳўнграй бошладн.

— Бунн қаранг, шундоқ капкатта қиз-а! —дедн Владимир Ильич бошини чайқаб. Уят эмасмн сенга!

Гап кор қилмадн.

Владимир Ильич чўнтагинн кавлай-кавлай, қизалоқнинг саватчасига энгашдн-да:

—4—

— Бир, иккн, уч —ёнғоқ, келиб туш! — дея саватчанинг ичига қарадн.

Қизалоқ қизиқсниб, йиғндан тўхтадн. Саватчасининг ичига назар ташладн, қараса—чиндан ҳам ёнғоқ пайдо бўлибдн. Бу ҳолдан қизчанинг оғзн очилиб қолдн. У кўз ёшларнн артиб, Ленинга ҳайрат билан тикилдн.

— Қани, энди айт-чн, исминг нима!— дея савол берди Владимир Ильич.

—Исмим Варя.

— Хўш, Варя, нима бўлди сенга, нега йиғлаётган эдинг!

— Адашиб қолдим.— Қизча тағин ҳиқиллашга тушдн.

— Уйларинг қаерда ўзи!

— Мироновкада.

— Мироновканг қочиб кетмагандир, бирпасда қидириб топамиз.

Ленин Варянинг қўлидан ушлаб, билинар-билинмас сўқмоқ бўйлаб автомобиль турган тарафга йўл бошлади.

Улар ўрмон оралаб боришмоқда.

— Борн-йўғн терган қўзиқорининг шуми!

Варянинг сира омадн юришмади, юришмади-да. Ўрмонда ҳеч қўзиқорингa дуч келмаса-я! Мана энди — саватчаси бўм-бўш.

— Уйга бундай қуп-қуруқ қўл билан қайтиб борнш яхшн эмас, —деди Владимир Ильич.— Бирор чорасини топиш керак бунинг.

Владимир Ильич сўқмоқдан қайрилиб, бир жойга бориб тўхтади-да:

— Бир, иккн, уч— қўзиқорнн, қани чиқ! — дея чақирдн.

—5—

Қизча бундай қараса —чиндан ҳам қўзиқорнн чиқибдн. Оқ қўзиқорнн. Поясн йўғон, қалпоғн бўлиққина — аскардек ғоз турибдн. Варя унга энгашган эдн, ёнида тағин биттасинн кўрдн, сал нарида яна бор экан. Ундан кейин эса —яна, яна... Қизалоқ барнн терib олдн, саватчасн тўлиб кетдн. У Ленинга ҳайрат билан тикилардн.

Улар ўрмон оралаб тағин пича юришдн. Бир жойга етганда Ленин тўхтаб, кўзларнни муғомбирона қисинқираганча:

— Бир, иккн, уч— автомобиль, бу ёққа уч!— деб чақирдн.

Варя буталар орасидан бўйлаб қарадн. Мўъжизаннг ўзгинаси, мўъжизаларнинг мўъжизасн — яланглиқда ростакам автомобиль турарди!

— Қанн, чиқиб ўтир-чн,— дея

—6—

Қизча бундай қараса —чиндан ҳам қўзиқорнн чиқибдн. Оқ қўзиқорнн. Поясн йўғон, қалпоғн бўлиққина — аскардек ғоз турибдн. Варя унга энгашган эдн, ёнида тағин биттасинн кўрдн, сал нарида яна бор экан. Ундан кейин эса —яна, яна... Қизалоқ барнн терib олдн, саватчасн тўлиб кетдн. У Ленинга ҳайрат билан тикилардн.

Улар ўрмон оралаб тағин пича юришдн. Бир жойга етганда Ленин тўхтаб, кўзларнни муғомбирона қисинқираганча:

— Бир, иккн, уч— автомобиль, бу ёққа уч!— деб чақирдн.

Варя буталар орасидан бўйлаб қарадн. Мўъжизаннг ўзгинаси, мўъжизаларнинг мўъжизасн — яланглиқда ростакам автомобиль турарди!

— Қанн, чиқиб ўтир-чн,— дея

—7—

Владимир Ильич эшикнн очиб, Варянн автомобилга ундадн..

Автомобиль аввал ўрмон оралаб бир оз юрнб, сўнгра пастбаланд дала йўлига чиқдн. Муюлишга етиб келдилар. Ана, Мироновка ҳам кўрннib қолдн.

Бироқ Варя шу тобда Мироновкасмга етганндан унча хурсанд эмас эдн. Ахир, энди бояги мўъжизалар такрорланмайдн-да...

Ленин қизалоқнн қишлоқнинг бир чеккасигача олиб борнб қўйдн-да, ўзн қўл силкиб хайрлашдн-ю, жўнаб кетдн.

Варя югурганнча уйларига келиб, ўрмонда қандай адашиб қолганнн, кейнн нотанш одамга қандай учраганнн оқизмай-томизмай сўзлаб бердн. Кўрган мўъжизаларнн айтдн: автомобилн ҳам, қўзиқорнну ёнғоқ билан боғлиқ гапларнн ҳам:

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
22 АПРЕЛЬ. 1985 й.

БЕБАҲО ЁДГОРЛИК

ЁКИ ИЛЬИЧГА ХИЗМАТ ҚИЛГАН МАШИНА

...«Роллс-ройс» автомобили Серпухово, Катта Ординка кўчалари ва тош кўприкдан ўтиб, Қизил Майдонга бурилди. В. И. Ленин Горькадан Кремлга келаётганда ҳар гал машинада шу кўчалар бўйлаб юрарди.

Ильичга хизмат қилган бу автомобиль Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейидан абадий жой олди. У топ-тоза ялтироқ, ҳамон яп-янгидек турибди. Наҳотки, бу автомобилда доҳиймиз В. И. Ленин юрган бўлса?

Дарвоқе, Ильичнинг автомобилини топиш учун Марказий музей ходимлари анча овора бўлишди. Калаванинг учи архив ҳужжатларидан топилди. Сақланиб қолган ҳужжатларга қараганда, Совнаркомнинг раисига тўртта «Роллс-Ройс» (шаҳар номери 221, 225, 231 236) ва битта «Делонс-Бельвиль» (№ 218) машиналари биркитилганди. 1920 йил 27 майда Совнаркомнинг автобазасига машиналарни, жумладан 236-сонли «Роллс-Ройс»ни ҳам ўтказиш акти топилди. Актда бу машинанинг тўлиқ техник характеристикаси ёзилган эди.

«Роллс-Ройс» торпедо типидаги усти очиқ кузовга эга бўлиб, унга 6 цилиндрли 50 от кучига эга бўлган двигатель ўрнатилган. Машинанинг гараж номери 50, моторининг завод номери 207 эди. Мотори стартер ва ручка ёрдамида ишга тушган. Узатмалар қутисида тўртта олдинга ва битта орқага ҳаракат тезлиги ричаглари ўрнатилган. Ҳаракатни кўшгич восита эса дискли. Тормози — оёқ педали ва қўл ричаги ёрдамида ишлайди. Шиналарнинг диаметри 825 миллиметр ва эни 135 миллиметр. Ёқилғи билан таъмин этиш босим остида. Актда шу сингари бошқа кўплаб техник маълумотлар бор эди. Бироқ вақт ўтиши билан бу машиналар янада эскириб, бир ташкилотдан иккинчисига ўтказилиб, охир-оқибатда уларнинг изи йўқолади. Музей ходимлари доҳий минган машинани юқорида айтилган белгиларга асосан излай бошладилар. Буни қарангки, узоқ изланишлар натижасида 236-номерли «Роллс-Ройс» машинаси (мотор № 207) топилди. Уни Керчь шаҳридаги ташкилотларнинг бири ҳовлисидан ачинарли аҳволда топишди.

Бу автомобиль 1959 йилда И. А. Лихачев номли «ЗИЛ» заводининг экспериментал цехида кекса коммунистлар ва ёш комсомоллар томонидан қайта тикланди. Ильичдан қолган бебаҳо тарихий ёдгорликнинг кичкина винтигача ғоят даражада аниқлик билан мутахассислар, эксперт ва криминалистлар томонидан реставрация қилинди.

Содда ва камсуқум «қария» автомобиль музейининг кекса томошабинларига уларнинг ёшлигини ва ўтган кунлар воқеаларини эсга солади. Ёшларни эса бизга тарихан энг яқин бўлган техника ижоди — автомобилнинг техник характеристикалари, автомобилсозлик тонгида яратилган машинанинг ўзига хос кўриниши қизиқтиради. Энг муҳими, уларнинг доҳиймиз ҳақидаги таассуротларини бойитади.

Дарвоқе, В. И. Ленин минган ва йиллар суронида йўқолиб кетган машинани топиш ва тиклаш тарихи улуғ доҳий номи билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарса бебаҳо ёдгорлик эканлиги, уларни совет кишилари кўз қорачиғидек асрлашларининг яхши мисолидир.

Ш. ИБРОҲИМОВ,
инженер.

«Ленинном» яратган шоирлар

«ЛЕНИННИНГ УМРИГА ҚЎШИЛДИ БИР ЙИЛ...»

Халқимизни, келажак авлодларни буюк Ленининг ҳаётбахш ғояларига, доно таълимотига садоқат руҳида тарбиялашда ғоят муҳим роль ўйновчи умумсовет ленинномасининг вужудга келиши ва такомилига ўзбек ёзувчилари, айниқса, шоирлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Ғ. Ғулом, Ойбек, М. Шайхзода, Миртемир, Уйғун, Т. Фаттоҳ, Шуҳрат, Х. Шарипов, Э. Воҳидов ва бошқалар яратган ленинномаларнинг ҳар бири алоҳида илмий ишларнинг объектидир.

М. Шайхзода «қалбида эрк билан кўркни жамлаган, башарнинг иқболин, нурин ғамлаган» инсонларнинг бетакрор улуғвори Ленинни илк ижодидан бошлаб, ўзининг ёруғ шуури, покиза қалби, ҳалол виждони билан чуқур севинч, чинакам ғурур билан тараннум этди. У ўзбек совет поэзиясига «қисқа бўйли», «очиқ ва кенг пешонали», «ўткир кўзли» камтарин инсонни, башариятнинг озод эркин ҳаётга эришуви йўлларини ҳаққоний кўрсата олган таълимот яратган доҳийни улуғловчи «Ленин» (1929 йил) номли шеъри билан кириб келди. Шоир мазкур шеъридан сўнг Ленин мавзуида бевосита ва билвосита шеър, рубоий, қитъа, қасида, марсия, мувашшаҳ, баллада, достон каби ранго-ранг жанрли кўплаб асарлар ёзиб, қудратбахш ва илҳомбахш умумсовет ленинномаси тараққиётига йирик улуш қўшди.

М. Шайхзода совет халқи эришган ва эришажак барча зафарларда «ҳаёт қонуни қадар улуғ» Ленининг номи борлигини «Ленинном» (1935) балладасида алангали ҳис-туйғуларда очиб берди. Бу баллада ўзбек совет адабиётн қаҳрамони бевосита Ленининг ўзи иштирок этган биринчи йирик асардир. Шоир балладада Ленининг буюклиги, ғояларининг барҳаётлиги, ҳаётда мангу давом этиши ва равнақ топишини ўзининг индивидуал услубига хос кўтаринкилик, фалсафий тераплик билан умумлаштира олган:

Унинг вазмин салмоғини
Тортгали
Тош бўлса курра ўзи
На рақам етар,
На сиғдирар тарози...

М. Шайхзода ленинизмнинг планетамиз бўйлаб ғолибона қадам ташлаши, Ленин таълимотининг революцион ўзгартувчилик кучи, ғоят терэн инсонпарварлиги, интернационал моҳияти тўла-тўкис намоён бўлган турли томони шундаки, уларда Ленин образи жаҳоннинг ўтмишидан, ҳозирги кунларидан ва келажагидан ажратилмаган тарзда яратилади. Шоирнинг таъкидлашича «кишиликнинг оғир, мушкул таржимаи ҳолида, машаққатли йўлида янги тарих тўғилди». Бу тарих ер юзининг олтидан бир қисми — СССРда яшовчи кўп миллатли халқларни асрий орзу-истаклари— эркин, озод, бахтиёр яшашга эриштирди.

М. Шайхзоданинг ажойиб асарларидан яна бири «Ленининг умрига қўшилди бир йил...» номли шеъридир. Унга қўйилган сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчини ҳайратга солади. Одатда, тирик инсонлар умрига ғина йил, ёш қўшилади. Нима учун шоир «Ленининг умрига қўшилди бир йил», деяпти? Бу нима дегани?.. Асарда шу саволга бадиий жавоб берилади. Шеър жами бир-бирн билан яхлит боғланган уч интонацион тўхтамбанддан иборат. Ҳар банднинг бошланиши — «дебоча»сида «Ленининг умрига қўшилди бир йил» мисраси мазмунига ҳамкор ва ҳамоҳанг янги мисра тўқилиб мустақил байтга айланади ва шу байт маъноснимадан иборат эканлиги ўқувчидан сўралади. Сўнгра қўйилган сўроққа жавоб қайтарилади:

Ленининг умрига қўшилди
бир йил...
Қушлардек учади йиллар
муттасил.
Бу нима дегани?
... Бу дунёнинг ва
кишиликнинг
Ёруғнинг, инсофнинг ва
яхшиликнинг
Эзгу истаклари ўлмайди
демак.
Бу — зулму жабрнинг
ҳам ваҳшийликнинг
Муҳлати бир йилга
камайди демак.
Бир йилга яшарди бу
қадим башар.
Ёмонлик кўмилар,
Яхшилик яшар», —деганн.

Бу теран ва ҳароратли сатрлар совет шоирларн ва жаҳоннинг барча тараққийпарвар шоирлари яратган поэтик ленинноманинг дуру гавҳарларига ҳамоҳангдир.

М. ИБРОҲИМОВ,
филология фанлари кандидати.

ВОЛОДЯ УЛЬЯНОВНИНГ ТАЛАБАСИ

Чуваш Никифор Охотниковнинг тақдири ёш Ленининг таржимаи холига тўлқинлантирувчи сатр бўлиб кирди: у гимназист Володя Ульяновдан дарс олган эди. Чувашия жамоатчилиги этнограф — ёзувчи, истеъдодли математик Н. Охотников туғилган кунининг 125 йиллигини кенг нишонлади.

Илья Николаевич Ульянов Симбирскдаги чувашлар мактабига асос солинган кундан бошлаб боқ унга меҳрибонлик билан кўмаклашиб турди. «Ғайри талаба» Никифор Охотников шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Бу йигит гимназияда етуклик аттестати учун имтиҳон топширишга сиртдан тайёргарлик кўриб Қозон университетининг математика факультетига киришни орзу қиларди. Унга ёрдам керак эди. Аммо репетитор ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди: рўзғор ташвишлари Охотниковнинг зиммасида бўлганлиги учун у арзимас маошининг ҳар бир сўмини тежар эди. Ушанда ҳали 16 ёшга тўлмаган гимназист Володя Ульянов унинг жонига оро кирди. Н. Охотников ночор аҳволга тушиб қолганини билгач, ёрдам беришга аҳд қилди.

Бу дарслар Ульяновлар хонадони турмушидаги оғир даврга тўғри келди: Оила бошлиғи —Илья Николаевич тўсатдан вафот этди, подшоҳга суиқасд қилганлиги учун Александр қамоққа олиниб қатл этилди. Аммо фожиали кунларда ҳам Владимир Ильич машғулотни тўхтатмади.

Ульяновлар бошига тушган мусибатлар Н. Охотников дилига қаттиқ таъсир қилди. Мария Александровна қамоққа олинган ўғли Александр билан учрашиш учун Петербургга бормоқчи бўлганида шаҳардаги бирон извошчи уни Сизрань станциясигача олиб боришга ботина олмади. Шунда Н. Охотников ёрдам берди. Мария Александровна ўз вақтида станцияга етиб борди.

В. И. Ульяновнинг талабаси ўз ниятига етди, Қозон университетига ўқишга кирди.

В. ИВАНОВА,
ТАСС мухбири.
Чебоқсарн.





ИШИГА САДОҚАТ

ҚУТЛУҒ ҚАДАМЖОЛАР

МИЛЛИОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ДАРГОҲИ

Бундан ўн йил муқаддам пойтахтимизга Чехословакиядан меҳмонлар ташриф буюришди. Мен группа бошлиғидан Тошкент архитектураси ҳақида сўрадим. Шунда у кўпчиликка Ленин музейининг архитектураси жуда-жуда маъқул бўлганини, бу оппоқ бино, худди знёдек шаҳарга кўрк бахш этаётганлигини мароқ билан сўзлади.

Орадан йиллар ўтди. Тақдир тақозоси билан Прагада бўлганимда меҳмоннинг ана шу сўзлари ёдимга келди. Биз ундан Ленин музейини сўрадик. «Биринчи сафаримизни шу қутлуғ даргоҳдан бошлаймиз» деди у.

Биз тушган автобус қадимий бино олдида тўхтади. Гибернск кўчаси, 7-уй.

Биз ичкарига кирамиз. 40—45 ёшлар чамасидаги экскурсовод аёл: «Узбекистонданмис и з лар?» —дея рус тилида, очиқ чеҳра билан кутиб олди. Биз ундан, қаердан билдингиз, деб сўраймиз. У кийимингиз, чеҳраларингиздан, деб жавоб берди.

Биз уч қаватли музейнинг залларидан-залларига ўтар эканмиз, доҳийнинг бутун революцион фаолияти билан яна бир бор танишдик.

Хоналардан бири «В. И. Ленин зали» деб аталади. Бу ерда деярли ҳеч қандай жиҳоз йўқ. Иккита узун стол, йигирмага яқин оддий стуллар, юқорида — бир шкаф. Владимир Ильич 1912 йил худди шу ерда бўлган. Шу столда ёзган. В. И. Ленин раҳбарлигида шу залда РСДРПнинг тарихий VI Бутунроссия конференцияси ўтказилган.

Аслида музейнинг тарихи ҳам ана шу йил, шу кун билан рамзий боғлиқ. Бу бино ўша даврда халқ уйи, деб номланган. Ўша даврда у чехословак пролетариатининг сиёсий маркази, Коммунистик партияни ташкил этиш маркази бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам «Руде Право» ва бошқа ишчи газеталарининг дастлабки сонлари худди шу ерда чоп этилган.

Совет Армияси Чехословакияни озод этгач, халқ уйида «В. И. Ленин зали» очилди, сўнг у В. И. Ленин музейига асос бўлди. 1953 йилнинг январида музей тантанали очилди.

Музей нодир лента-лар ва ҳужжатли фильмларга эга. «Совет ҳокимияти раҳнамоси», «Ленин, орзу-умидлар ва ҳақиқат», «Ленин Прагада», «Ленининг уч баҳорн» ва бошқа фильмлар шулар жумласидандир.

Биз музей залларини экскурсия қилиб, пастга тушар эканмиз, В. И. Ленин зали гавжум эди. У ерда Чехословакиянинг жажжи граждалари тантанали суратда пионерликка қабул қилинаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

— Бу зал — энг қутлуғ жой,— дейди экскурсовод, — аълочи, ташаббускор ўқувчилар шу ерда пионерликка қабул қилинади. Бу қутлуғ хонада ўқишда, меҳнатда намуна кўрсатган неча юзлаб ёшлар комсомол ва партия сафига қабул қилинганликлари ҳақида ҳужжатлар олишган.

Шу дамда Чехословакиянинг биринчи президенти Клемент Готвальднинг музей очилишида айтган тарихий сўзлари ёдимизга тушди: дарвоқе, музей миллионлаб кишилар учун коммунизм мактабини ўтамоқда.

Б. ПЎЛАТОВ.
Тошкент—Прага.

---

3. Ильич номи билан

Карл Маркс, Фридрих Энгельс ва Владимир Ильич Ленининг номи бир-бири билан чамбарчас боғланган-дир. Шу боисдан ҳам марксизм-ленинизм ғояларн курашмоқда ва ғалаба қилмоқда, янги-янги ишларда ўз ифодасини топаётир. В. И. Ленининг туғилган куни — энг аввало, коммунистик ғоялар тантанасидир.

Мамлакат и м и з д а Ильичнинг «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш...» деган чақирнғига жавобан билимли кишилар тарбиялашга алоҳида эътибор берилярлтк. Ёш авлод таълим-тарбиясини кучайтирш борасида қабул қилинган мактаб ислоҳоти бу борадаги энг муҳим восита-лардан бирндир. Ер юзидаги энг саводхон мамлакат ҳисобланган Ватанимизда китоб ушлаган кишн — унинг рамзий маъносидир.



В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида 20 мингга яқин турли миллат фарзандларн таълим олишмоқда. Бу ерда ҳозирги замон билимларнн пухта эгаллаш учун барча қулайликлар яратилган. Ёруғ ва кенг ўқув хоналари, амалий машғулотлар ўтказиладиган лабораторнялар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кабинетлар студентлар ихтиёрига бериб қўйилган. Ильич Декрети асосида бунёд этилган ТошДУ республикамиз халқ хўжалигига малакали кадрлар тайёрлаб бераётган асосий билим марказига айланган.

Шаҳардаги энг гўзал майдон В. И. Ленин номи билан аталади. Майдон атрофида замонавий архитектура ютуқлари асосида қурилган бинолар, дам олиш зоналари бунёд этилган.

Т. Каримов ва ЎзТАГ фотолари.



АХЛОҚ-ОДОБ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДА

«К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин. Ахлоқ-одоб ва маънавий тарбия тўғрисида» тўпламн чиқди. Тўпламга марксизм-ленинизм классиклари асарларидан парчалар, ахлоқ-одоб проблемасига оид уларнинг назарий меросини акс эттирувчи фикр-мулоҳазалари киритилган. Бу фикр-мулоҳазалар ахлоқ-одоб тўғрисидаги марксча-ленинча назариянинг умумий масалаларига, ахлоқ моҳиятини, унинг социал ролини белгилашга тааллуқли бўлиб, уларда ахлоқ-одоб ва этиканн ривожлантириш тарихи масалалари тўғрисида гап боради, капиталистик формацияларгача бўлган даврдаги ахлоқий ва айниқса буржуа жамиятининг маънавий принциплари ва ахлоқига характеристика берилади.

Бўлимлардан бири коммунистик ахлоқийликка, унинг принципларн ва нормаларини очиб беришга, социалистик жамиятда маънавий тарбия проблемаларига бағишланган.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

ҲИКОЯЛАР

—8—

— Сеҳргар одам экан, —дедн шивирлаб Варя.— Хоҳлаган нарсангни дарров ҳозир қиладн-я!

«Варянн ўрмондан олиб чиққан одам ким бўлдн экан-а!» деб мироновкалиқлар сўнгра талай вақт ўзларича фол очиб юришдн.

Мақтанчоқ Ивашка

Ленин городка ўйнашнн яхшн кўрардн. Абжирлик билан кўзлаб, нишонни бехато урар эдн. Қулочнни кенг кериб, чиллакнн шундай нрғитарднки, таёқчалар чумчуқдек тўзиб, ҳар ёққа учиб кетардн.

Бир гал Горкнда, боғдагн городка ўйналаднган майдончада Владимир Ильич бир боланн учратиб қолдн. Ундан исмнни сўради.

— Ивашкаман,— дедн бола.

— Жуда соз, Ивашка, кел, ўйнаймиз.

Улар ўйнига кирншдилар. Лекин, ўйнинн билармндн Ивашка: отган чиллагн гоҳ нишонга етмай қоладн, гоҳ ўтиб кетадн, яна бир қарасангиз — бутазорга борнб тушадн.

Владимир Ильич Ивашканн аяб, ҳар йўл билан бўлмасин, унга ютқазишга ҳаракат қилдн. Ленин чиллакнн атайлаб нишондан четга отардн.

Бола ўзнча мағрурланнб кетдн. Қишлоғига қайтгач, уйма-уй югуриб, мақтанб чиқдн:

— Мен Ленининн городкада ютдим! Мен Ленининн городкада

—9—

ютдим! Мен Ленининн городкада ютдим!

Болалар унинг гапига ншонишмадн. Узларн билган ўша мақтанчоқ Ивашка-да!

— Ростдан айтяпман, ростдан! — дея қнчқирардн Ивашка. — Мерганман-да ўзн, зўр кўзлаб отаман!

Уртоқ Ленининн ўйнида яна енгнб чиқажагнни айтнб, Ивашка болалар билан кнм ютқазса — пешонасига чертншдан шартлашдн.

— Хоҳлаганнинг эртага юр, қандоқ ютишимнн ўз кўзинг билан кўрнб қўясан!— дердн у керилнб.

Болалар эрталаб бнр жойга тўпландилар-да, боққа қараб йўл олдилар. Девордагн, ўзларига таниш бир кемтикдан ошиб ўтнб, хилватроқ сўқмоқ билан городка майдончасига яқинлашдилар.

—10—

Ҳар кнм ҳар ёққа яшнрнндн: бировн қайнннинг орқасига, бировн — қарағайнинг, яна бировн — арчанинг бнқнннга: ораларнда энг кичикларн — Кузя Синичкнн бўлса бутанинг устига чиқнб олдн. Улар, «Уртоқ Ленин қачон келаркин!» дея, нафасларнни ичларига ютганча, кута бошлашдн.

Владимир Ильич эса шу пайтда чиндан ҳам боғни айланнб юрардн ва кўп ўтмай бу ерга — майдончага чиқнб келдн. Қараса, Ивашка турнбдн.

— Салом, Ивашка. Городка ўйнни сенга жуда ёқнб қолднми дейман-а!...

— Жудаям,— дедн Ивашка.

— Кел бўлмаса, ўйнайлик.

Ивашка ҳудди шунн кутиб турардн. Югуриб борнб таёқчаларнн жойлаштнрнб келдн.

—11—

Ўйнинн бошладнлар.

Даставвал чиллакнн Ивашка қўлига олдн.

Бнрннчн марта отган эдн, чиллак чнйиллаб бордн-ю... нншоннинг ёнидан ўтнб кетдн. Иккнничн марта отдн, бунисн ҳам шундай бўлдн — хато кетдн.

— Йўқ, йўқ, унақамас, — дедн Владимир Ильич.— Шошилмагнида сен. Олднн яхшилаб мўлжалга ол. Пастроғнни кўзлаб уриш керак. Мана, қараб тур.

Владимир Ильич чиллакни қўлига олнб, қулочкашлаб нншонга отдн. Чиллак ҳавода бнр айландию визиллаганча борнб тўғрн нншонга тегдн.

Болалар қайнну қарағайлар ортидан бошларнни чиқарнб қарашди. Мана бунн мерганлик деса бўладн! Бнр урганда таёқчаларнинг ҳаммасн сочилнб кетдн-я, қойнлн!

Яна Ивашканнинг навбатн келдн. У тағнн отдн — тағнн нншонга теккнзолмадн.

— Шошмасдан, шошмасдан,— дея такрорлайдн Ленин. Қандай отиш лозимлнгнни Ивашкага яна қайта тушунтнрадн.— Ҳа, чаккимас, чаккимас,— деб кўядн Владимлар Ильнч.—Кўрдингмн, мана эндн анча тузук чиқяптн.

—12—

Ленин боланнг кўнглнни кўтармоқчн бўладн. Аммо, очнгнни айтганда Ивашканнинг ҳолн вой. Болалар бунн кўрнб турншибдн. Бутаннинг устнда ўтирган Синичкнн пиқнрлаб ҳам қўйдн.

Ивашканнинг руҳн тушнб кетдн.

Владимир Ильич унинг бўшашиброқ қолганнни пайқаб, болага яна ён бермоқчн бўлдн. Эвнни қилиб, Ивашкага яна бнр бор ютқаздн.

Шундан сўнг Владимир Ильич у билан хайрлашдн-да, йўлнга кетдн.

Ивашка тағнн мағрурликдан босар-тусарнни билмай қолдн. Дарров болаларга қараб югурдн:

— Кўрдингларми ютганнмни! Қани энди, пешоналарнигни тутннглар-чн, бнр чертнб қўяйлнк!

Иложларн қанча! Болалар бнрма-бнр унга пешоналарнни тутнб беришга мажбур бўлишдн.

—13—

Ивашка бор кучн билан чертардн. Ҳатто, кичкинтой Кузя Синичкнннн ҳам аяб ўтнрмадн.

— Мана снзларга! Мана снзларга!— дер эдн у ҳар чертганнда қичқнрнб.

Ивашка қишлоққа қайтгач, яна уйма-уй югуриб, мақтана бошладн:

— Мен Ленининн городкада ютдим! Мен Ленининн городкада ютдим! Мерганман-да ўзн, зўр кўзлаб отаман!..

Уша мақтачоқ Ивашкамнз-да! Уша бақнроқ Ивашкавой-да!

Русчадан Эркин АЪЗАМОВ ва Хайриддин СУЛТОНОВ таржималари.

—14—

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

22 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ЁҚУТЛАР, БРИЛЛИАНТЛАР, ЗУМРАДЛАР...
ҲАМИША ШАФФОФ, ҲАМИША ЯЛТИРАБ ТУРАДИ!

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА

23-26 АПРЕЛЬ ҚУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТИКИЛГАН

ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



Ана шу мавсумда, аввалдагидек классик ва спорт услубида тикилган костюмлар мода бўлмоқда. У ёки бу услубнинг ихлосмандлари савдо-кўргазмасига қўйилган моделлардан ўзларига муносиб костюмларни танлашлари мумкин. Бу либослар жун газлама, кремплен, лавсан аралаштириб тўқилган жун газламасидан тикилган. Қулай ва чиройли кийимларда замонавий деталлар моҳирона қўлланган — фигурали, жимжимали чоклар, қопқоқли ҳамёнлар, кокеткалар шулар жумласидандир.

Баҳор— ёз мавсуми учун махсус тайёрланган ёрқин тусли газламалардан тикилган костюм-тройкаларга эътибор беришингизни маслаҳат берамиз.

Савдо-кўргазмасида ёшлар учун замонавий моделларда сунъий чармдан тикилган пиджаклар ва куртkалар ҳам намойишга қўйилган.

Савдо-кўргазмасида ҳар қандай ёшдаги эркаклар учун ва ҳар хил либосларни тўлдириш учун 44-60 размерли моделлар муҳайё этилган.

Бу ерда тикув бирлашмасининг вакиллари ҳозир бўлиб, улар сизларга моделларни танлашда яқиндан ёрдам берадилар, сизга шахсан қандай фасон ёки рангдаги костюм монанд келишини айтиб берадилар.

Сиз ассортиментларнинг сифати ва миқдори юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингизни махсус таклиф ва мулоҳазалар китобига ёзиб қолдиришингиз мумкин. Сизнинг фикрларингиз албатта инобатга олинади.



«Бу зийнат буюмлари ўзининг шаффофлигини олисдан таратиб туради ва гўё атрофидаги ҳавони жилолаётгандек бўлади. Булар қуёшда бўлмасин, соядa бўлмасин, чироқларда бўлмасин —ҳамиша ялтираб, жилоланиб кўринади» —деб ёзган эди қадимги Рим тарихчиси Плиний. Зумрадлар ва ёқутларнинг бу бу ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар ҳар қандай нурлар таъсирида ўзининг асл жозибасини сақлаб туради. Минг йиллаб тарихга эга бўлган бу тошларнинг хусусияти ҳам ана шунда.

Ўрта асрларнинг машҳур заргари Бенвенуто Челлини асл навли тошларни тўрт мўъжизага таққослаган эди: олмос—сувни, ёқут — оловни, сапфир—ҳавони, зумрад—яшил билан қопланган заминни эслатади деб таърифлаган эди.

Асл навли ёқут тошлар замирида бир олам сир ва афсоналар бор. Қадим-қадим замонлардан буён одамлар бу тошларнинг моҳиятини ҳар хил фазилатларга йўнишган. Зумрад кўз касалликларидан халос этиб, кўриш қобилиятини мустаҳкамлар эмиш, инсонни соғиниш ва жудоликдан халос этар эмиш. Қадимги замонлардаги табиблар зумраддан янада оқилона фойдаланганлар. Уни заҳарларга қарши таъсир этувчи мўъжиза сифатида фойдаланганлар; илон чаққанида талқон қилинган икки мисқол зумрад туянинг қайноқ сути билан қўшиб ичишни тавсия этишган. Қадимий рус урф-одатларига кўра зумрад донолик, ишончлилик, совуққонлик белгисидир...

Қадим-қадим замонлардан буён алангадек ловуллаб турувчи қизил тусли ёқутнинг шуҳрати ортиб келмоқда. Унинг шўхчанг, жозибали ранги ҳокимиятни, қудратлиликни, бойликни англатар эмиш. Дастлаб Шарқда, шундан кейин Ғарбда кишининг диққатини жалб этувчи ял-ял товланиб турадиган қирмизи тусли ёқут тошлар сон-саноқсиз афсоналар ва эртакларга айланган. Ёқут тошларнинг моҳияти илоҳийлаштирилади. Гўё у одамларнинг тақдирида сўзсиз аҳамият касб этар эмиш. Бу тошлар саҳий кишиларни янада саҳий, жўмардларни эса чинакам сержоҳил қилар эмиш.

Ўрта асрлардаги катта китобларда уқтириб ўтилишича бу ёқут тошлар жасоратли ва мард кишиларни ғалабаларга ҳамда улуғ жасоратларга, оддий кишиларни эса бахт ва муҳаббатга чорлар эмиш. Июль ойида туғилган кишиларга бу тошлар янада омад бахш этар эмиш.

Қирмизи-мовий майин тусда товланувчи аслнавли тош— сапфир ҳам бир талай мафтункор сеҳрга эга...

Олтиндан ишланган зебу-зийнат буюмларига жозибали безак сифатида қадалган ёқут, зумрад, рубин, сапфир, топаз, марварид, искандар, қаҳрабо тошлари бизнинг ҳозирги кунларимизда ҳам оммалашган.

Совет заргарлари ўтмиш усталарининг энг яхши анъаналарини давом эттирмоқдалар ва ривожлантирмоқдалар. Замонамиз усталари тайёрлаган зираклар, билакузуклар, узуклар, олтин занжирлар ва бошқа зийнат буюмлари ўзининг нафис ишланганлиги билан ажралиб туради.

СИЗ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ
МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА
АСЛ НАВЛИ ЁҚУТ ТОШЛАР ҚАДАБ ИШЛАНГАН
ОЛТИН БУЮМЛАРНИ
СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

29 АПРЕЛЬ— 7 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 14 ДАН 17.00 ГАЧА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

ХОҲЛОВЧИЛАР ИНСТИТУТНИНГ ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ТАНЛАГАН ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ПРОГРАММАСИ БИЛАН ТАНИШИШЛАРИ МУМКИН.

Шу кунлари улар институтнинг етакчи ўқитувчилари ва студентлари билан учрашадилар. Институт профессорлари ва ўқитувчилари билан суҳбатлар ва консультациялар ташкил этилади.

29 АПРЕЛЬ —ДУШАНБА КУНИ

ТРАКТОР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИДА — Студентлар шаҳарчасида.

МЕХАНИКА МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИДА — Студентлар шаҳарчасида.

САМОЛЕТСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИДА — У. Юсупов кўчаси, 107-уй.

5 МАЙ— ЯКШАНБА КУНИ

ХИМИЯ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИДА — Т. Шевченко кўчаси, 1-уй.

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИДА —Ш. Рашидов проспекти, 25-уй.

САНОАТ ВА ГРАЖДАН ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИДА— Я. Колос кўчаси, 16-уй.

ИНЖЕНЕРЛИК-ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИДА —Ульяновская кўчаси, 3-уй.

6 МАЙ— ДУШАНБА КУНИ

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ФАКУЛЬТЕТИДА —Студентлар шаҳарчасида.

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИДА — Студентлар шаҳарчасида.

НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИДА — Студентлар шаҳарчасида.

7 МАЙ — СЕШАНБА КУНИ

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА — Студентлар шаҳарчасида.

РАДИОЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА —Студентлар шаҳарчасида.

БОШҚАРИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН СИСТЕМАСИ ФАКУЛЬТЕТИДА — Студентлар шаҳарчасида.

САНОАТ ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА —Студентлар шаҳарчасида.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИ ИНСТИТУТГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
22 АПРЕЛДА
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ»
БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифлари — Д. ИВАНОВ, В. ТРИФОНОВ.
Режиссер — А. КОРЕНЕВ.
Ролларда: А. ГАЛИБИН, Г. ПОЛЬСКИХ, Н. ВАВИЛОВА, В. ТАЛИЗИНА, И. ШМЕЛЕВА, М. ДЮЖЕВА, Е. ХАНАЕВА, И. ТРОФИМОВ ва бошқалар.

Фильм воқеаси фақат бир куннинг ичида содир бўлиб, унда район Советининг ёш депутати, мамлакатимизнинг ҳақиқий граждани, беғамлик ва ҳўжасизликка қарши фаол курашчи, серташвиш замондошимизнинг биринчи иш куни акс этган.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ГЛАВПОЧТАМТ»ДА 0-67 телефони орқали уйга бориб алоқа хизмати кўрсатиш учун

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИДАН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АМАЛДА МАВЖУД ТАРИФГА КЎРА АЛОҚАНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ:

— марказлар, конвертлар, открыткалар сотиш;
— буюртма, қиймати кўрсатилган хатлар ва бандеролларни қабул қилиш;
— ичига солинган буюмлар, хатланган посилкаларни қабул қилиш;
— телеграммаларни қабул қилиш;
— телефон, кредитга сўзлашувлар учун тўловларни қабул қилиш;
— жўнатмаларни қабул қилиш.

АЛОҚАНИНГ УЙГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ (700000, Тошкент шаҳар, П, 1 Май кўчаси, 7-уй).

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!
22, 29 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
«МОДАЛАР УЙИ»ДА
«Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган маданий-маиший, хўжалик, кичик шаклдаги буюмлар ва совғалар сотиш бўйича

86-УЛГУРЖИ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо ташкилотлари диққатига ҳавола қилинадиган моллар орасида журнал столчалари, йиғма табуретkалар, даҳлиз ва ваннахона учун жавончалар, нон соладиган қутилар, маҳсулотларни қирқадиган тахтачалар, жўвалар, нардлар, совғалар бор.

«Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (телефон 55-22-89).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ

ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАР УЧУН ОЧИҚ

Агар сиз инсон қўллари яратган мўъжизаларни кўришни истасангиз ёки 30 секундда юз метрлик баландликка кўтарилиб, Ўрта Осиёдаги энг баланд айланувчан пол ва 23 тоннадан зиёд қандилли ресторанинг «ЗАНГОРИ» ёки «ҚИЗИЛ» залида ҳордиқ чиқаришни истасангиз

ТЕЛЕМИНОРАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ҚУЙИДАГИ АХБОРОТЛАРНИ ЕДДА ТУТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

Кириш билети фақат паспорт ёки ҳарбий билет мавжуд бўлган ҳолдагина берилади.

Кириш билетининг баҳоси катталар учун— 2 сўм, балоғатга етмаганлар ва оддий составдаги ҳарбий хизматчилар учун —50 тийин.

Ресторанга кириш билети — 6 сўм.

16 ёшгача бўлган болалар телминорага фақат катталар кузатувида қўйилади.

Томоша экскурсиялари сеанслари (ресторанга кирмаган ҳолда) соат 11, 12, 13.00 да ўтказилади ва 45 минут давом этади, ресторанга кириш билан эса 14 дан 20.00 гача, ҳар бир соатда ўтказилади.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИДАН КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ОЛДИНДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕМИНОРА КАССАЛАРИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ 9 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 35-85-61, 36-12-24..

КАКТУС ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ТОШКЕНТ ОЛИМЛАР УЙИ

26, 27 апрель соат 11.00 да

«КАКТУС ИШҚИБОЗЛАРИ» КЛУБИНИНГ

КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўргазма республика Кино уйида (Ш. Рашидов проспекти) **ташкил этилган.**

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 117-ўрта мактаб томонидан **Толипова Заҳро Абдумаликовна** номига берилган 273021 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 169-ўрта мактаб томонидан **Қорахўжаев Ўткир Турсунович** номига берилган 557080 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

12-ҳунар-техника билим юрти коллективи билим юртининг музика раҳбари

Эркин ДАВЛАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг онла аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Чилонзор район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети ҳамда 200-мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси М. Пўлатовага қизи

Дилфуза ПЎЛАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТВ
ДУШАНБА

22 АПРЕЛЬ
В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I
18.10 «Биринчи Бастилия». Бадиий фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Р. Щедрин. «Ленин халқ қалбида». Оратория.
19.55 В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 115 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида. «Время».
23.30 Футбол шарҳи.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Музикали киоск».
19.20 «Экранда —Сибирь» Киножурнал.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 МТ ва БР Катта симфоник оркестрининг концерти. Кўрсатув тугагач — «Время».
22.05 «Садоқат синови». Бадиий фильм.

● УзТВ I
17.50 Янгиликлар.
18.00 Болалар учун. «Бойчечак».
18.30 «Барҳаёт сиймо». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.
18.50 «Ленин партиясини шарафлаймиз». Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг хори ҳамда оркестри ижро этади.
19.25 «Ахборот» (рус., ўзб.).
19.55 Москва В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 115 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Буюк образ», «Ҳамдўстликнинг қудратли кучи». Ҳужжатли фильмлар.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ўқитиш жараёнида эстетик тарбиялаш (рус.).
18.50 «Кржижановский». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Чинор». «Илмий-оммабоп программа (рус.).
19.30 «Правда Востока» газетаси соврини учун спринтерлик ва тўсиқлар оша югуриш бўйича республика мусобақалари. Репортаж (ёзиб олинган).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ўртоқ Ленининг сўзи». Ҳужжатли фильм.
20.30 Миртемир. «Ленин ва Ражаб бобо». Адабий композиция.
21.00 «Порлоқ дийрим менинг». Музикали фильм.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
22 АПРЕЛЬ, 1985 й.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Фидоийлар**, 24/IV да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Ўғрини қароқчи урди**, 24/IV да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —22/IV да **Ёшликда берган қўнгил**, 24/IV да **Хотинимнинг эри**.

кино

22 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА»—**Санъат саройи** (катта зал 17, 20.00; кичик зал 18.00; телефон 44-21-44), **Чайка** (17, 20.00; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (18, 20, 21.30; телефон 35-24-92), **Восток** (21.00; телефон 91-14-23), **Нукус** (17, 20.30, телефон 46-47-74), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-11-59), **Ватан** (17, 20.00), **Тинчлик** (17, 20.00).

«ЁЛҒИЗ ВА ҚУРОЛСИЗ» **Ғунча** (17.30, 19, 21.00; телефон 42-02-22)

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда телефон 24-22-66), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Лнсунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60);

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ, ТАНҲОГИНАМ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83);

«ПЕШҚАДАМ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-12-76);

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59);

23 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА» — **Восток** (11, 14.30, 16, 21.00; телефон 91-14-23), **Тинчлик** (11, 14, 17, 20.40), **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 19.00; Телефон 91-10-51).

«ЁЛҒИЗ ВА ҚУРОЛСИЗ» —**Ғунча** (16, 17.30, 19, 21.00; телефон 42-02-22).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Лнсунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59);

«ТАҚДИР СОҲИБИ»—**Санъат саройи** (катта зал 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-47-74));

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25);

«ГИРТ ЕЛҒОНЧИ» — **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16.30, 20.45; телефон 42-39-74). **Дружба** (11, 12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 66-15-75).

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
26 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АСК» (Хабаровск)
КОМАНДАЛАРИ УРТАСИДА ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИВОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12210. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**